Ушбу сонда:
2 МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ СЎНМАСИН
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ
4 КАСАБА УЮШМАЛАРИ СПАРТАКИАДАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 18 сентябр, шанба № 151 (1784)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

# ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИ - ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИДИР

## Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Муҳтарам депутатлар!

Барчангизга маълумки, бугунги сессия мажлисининг кун тартибига битта масала - яъни, ташкилий масала киритилган.

Сиз, ҳурматли депутатлар билан учрашувимизнинг асосий мақсади - бугун Наманган вилоятидаги мавжуд вазият ва аҳволни танқидий баҳолаш, одамларнинг кайфияти, ҳаётга муносабати, уларнинг нималардан рози, нималардан норози эканини билиш ва шундан хулоса ва сабоқлар чиқаришдан иборат.

Шулар билан бирга, Наманган вилоятининг иқтисодиёт ва хўжалик соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, олдимизга қўйган режа ва марраларга эришиш йўлида ғов-тўсиқ бўлиб турган муаммоларни биргаликда кўриб чиқиш ва уларнинг ечимини топиш юзасидан фикр алмашиб олишимиз лозим.

Азалдан меҳнатсевар, тадбиркор ва ҳунарманд, дину диёнатли инсонлар юрти бўлиб келган Наманган вилояти ўзининг ишлаб чиқариш кўлами ва деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича мамлакатимизда салмоқли ўрин эгаллайди.

Кейинги йилларда бутун юртимиз қатори бу заминда ҳам тараққиёт йўлида анча ижобий натижалар қўлга киритилмоқда.

Вилоятда саноат соҳасини, хусусан, енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, янги қувватларни ишга тушириш, маданий-маиший иншоотлар барпо этиш, ободончилик ишлари борасида муайян ютуқларга эришилганини кўришимиз ва тан олишимиз зарур.

Вилоят хўжалигининг барча етакчи соҳаларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, чакана товар айланмаси, пуллик хизмат кўрсатиш, аҳоли реал даромадларининг ортиши бўйича қилинган ишлар ўз натижаларини кўрсатмоқда.

Амалга оширилган таркибий ўзгаришлар, хориж инвестицияларини жалб қилиш ҳисобига ташкил этилган бир қатор замонавий қўшма корхоналар Наманган иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Хусусан, «Нестле», «Пап Фен» каби қўшма корхоналар ишлаб чиқараётган юқори сифатли маҳсулотлар нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам ўз харидорини топмоқда.

Бу ютуқларнинг таг-заминида шу муқаддас юртда яшаётган инсонларнинг, кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилаётган минг-минглаб наманганликларнинг фидойилиги, изланиш ва интилишлари мужассам эканини барчамиз яхши англаймиз.

Такрор айтмоқчиман, бугун Наманган тупроғида юз бераётган ва кўзга ташланаётган янгиланишларни, шаҳар ва қишлоқларимизнинг шакли, қиёфаси тобора ўзгариб, биринчи навбатда одамларимизнинг маданияти, онгу тафаккури юксалиб бораётганини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, халқимизнинг фаоллиги ортаётгани, фуқароларимизнинг эл-юртимизда бўлаётган барча ижобий ўзгаришларга ўз дахлдорлигини сезиб, ўзини анча эркин ва мустаҳкам тутаётганини кўриб, киши беихтиёр қувонади, албатта.

Буларнинг барчасига аввало мустақиллик шарофати билан юртимиздаги ҳар қайси инсон, оила ҳаётида, ёшларимиз дунёқарашида тобора мустаҳкамланиб бораётган эгалик ҳиссиёти асосий омил бўлмоқда, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мен одамларимизнинг онгида, қарашларидаги ҳеч нарса билан солиштириб, қиёслаб бўлмайдиган бундай ўзгаришларни истиқлол йиллари давомида биз эришган энг катта, энг юксак ҳаётимизнинг эртанги кунини ҳал қилувчи улкан ютуғимиз, деб ҳисоблайман.

Шу борада бир ҳақиқатни барчамиз яхши англаб олишимиз зарур, деб ўйлайман. Бундай кайфиятда бўлган, эртанги кунга ишонч билан яшаётган, катта интилиш ва умид билан меҳнат қилаётган халқимизга бор гапни очиқчасига, оқни - оқ, қорани - қора деб, ҳеч нарсани яширмасдан айтишимиз зарур.

Чунки, биринчидан - улар ҳаётимизда содир бўлаётган барча воқеалардан хабардор бўлсин, иккинчидан - фақатгина мана шундай муносабат, мана шундай ошкора, очиқ ташкил қилинган мулоқот-суҳбат, халққа билдирилган ҳурмат-эҳтиром одамларнинг адолатга бўлган ишончи сўниб қолишига йўл қўймайди, уларнинг фаоллигини янада оширади.

Шу нуқтаи назардан вилоятдаги мавжуд вазиятни таҳлил қиладиган бўлсак, юқорида зикр этилган ижобий ишлар билан бир қаторда, бу ерда турли салбий ҳолатлар, ўз ечимини топмай келаётган муаммолар, жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигини ҳам тан олишимиз, уларга барҳам бериш йўлларини топишимиз даркор.

Бу таҳлилни вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасидан бошлайлик.

Албатта, сўнгги йилларда Наманган вилоятида бу борада анча- мунча ўзгаришлар амалга оширилганини, одамларнинг ерга, мулкка бўлган муносабати ўзгара бошлаганини, айниқса, ернинг ҳақиқий эгаси, фаровон ҳаёт бунёдкори бўлган фермерлик ҳаракатининг тобора кучга кириб бораётганини қайд этишимиз лозим.

Бугунги кунда мавжуд 5 минг 140 та фермер хўжалиги вилоят миқёсидаги жами қишлоқ хўжалик маҳсулотининг тахминан 10 фоизини етказиб бераётгани бунга мисол бўла олади.

Лекин, очиғини айтадиган бўлсак, ҳозирги пайтда вилоят қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг боришини қониқарли деб бўлмайди.

Масалан, пахтачилик соҳасини олайлик.

Ўзининг бой ва қадимий деҳқончилик тажрибасига, миришкор деҳқонлари, катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган Наманган вилояти пахта етиштириш бўйича шартнома режасини кейинги йилларда сурункасига бажармасдан келмоқда.

Хусусан, ўтган йили бу борадаги давлат буюртмаси 62 фоиз даражасида қолиб кетганини эсласак, ўйлайманки, вилоятда ишни замон талаблари асосида ташкил этиш масаласида жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлади.

Бундай аҳволнинг объектив ва субъектив сабаблари ҳақида кўп гапириш мумкин. Мен фақат энг асосийларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Бугун барчамизга аёнки, қишлоқ хўжалигини фақат ва фақат юксак агротехника талаблари ва қоидаларига қатъий амал қилиш, фан-техника ютуқларини, илғор тажрибаларни кенг жорий этиш, энг муҳими, барчамизни боқадиган деҳқонга, ишлаб чиқарувчига эркинлик, муносиб шароит яратиб бериш, унинг меҳнатини ўз вақтида ва одилона рағбатлантириш ҳисобидан ривожлантириш мумкин.

Бунинг бошқа ҳеч қандай воситаси ҳам, чораси ҳам йўқ. Токи ҳар қайси деҳқон кечаги кунни бугунги кун билан солиштирганда, ўз ҳаётида қандайдир ўзгариш кўрсин.

Фаровон ҳаёт - бу фақат моддий бойлик, тўкин-сочинликдан иборат эмас. Бу аввало эркинлик, эркин нафас олиш демакдир. Инсон ўз меҳнати, ўз турмушидан рози бўлиб, оиласининг эртанги кунидан хотиржам бўлиб, фарзандлари кўзига тик қарай олиши ҳам фаровон ҳаёт белгисидир.

Агар одамнинг уйида молу дунё, машинаси бўлса-ю, у эркин нафас олиб яшамаса, бундай фаровонлик кимга керак? Албатта, ҳаёт учун пахта ҳам, ғалла ҳам зарур. Лекин улар нимага, қандай мақсадлар учун керак? Улар аввало фаровон ва эркин ҳаётнинг асоси сифатида керак.

Шу кўз билан қараганда, афсуски, Наманган вилоятида ҳали- ҳамон эски тузумга хос иш юритиш ва бошқарув услубларидан воз кечилмаяпти, кўп жойларда ерга бўлган хўжасизларча муносабат давом этмоқда.

Мингбулоқ, Поп, Янгиқўрғон, Чуст ва Косонсой туманларида қарийб 33 минг гектар ер майдонининг кучли шўрланишига йўл қўйилгани биринчи галда ана шундай муносабат натижасидир. Бу кўрсаткич вилоят бўйича кейинги йилларда қарийб 13 фоизга ошган, ҳосилдорлик эса пасайиб бормоқда.

Биргина мисол - 2002 йил якунлари бўйича Мингбулоқ туманида пахта ҳосилдорлиги 16 центнерни, ўтган йили эса атиги 12 центнерни ташкил этган.

Мен илгари ҳам айтганман, ҳозир ҳам такрорлашга мажбурман. Ўн-ўн икки центнер ҳосил олгандан кўра шу ерга умуман пахта экмаган маъқул эмасми? Барака топкурлар, нима қиласизлар, ернинг ҳам, ўзингизнинг ҳам умрингизни бекор ўтказиб?

Фермер хўжаликликларига етарли имкониятлар яратиб бермаслик - тармоқдаги қолоқликнинг асосий сабабларидан биридир. Масалан, Мингбулоқ, Поп ва Чуст туманларида фермерларни ҳайдов тракторлари билан таъминлаш даражаси 20 фоиздан ошмайди.

Кейинги бир ярим йил мобайнида фермер хўжаликларининг фақат 1 фоизи лизинг асосида техника воситалари сотиб олган, холос. Савол туғилади - давлатимиз томонидан яратилган бу имкониятдан фермерларнинг кенг фойдаланишига ким ва нима тўсиқ бўлмоқда?

Ердан мақсадли ва самарали фойдаланиш масаласида ҳам кўп жойларда масъулиятсизлик, ошна-оғайничилик, уруғ-аймоқчилик, қўпол қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кузатиш мумкин.

Фақатгина текширилган майдонларнинг ўзида пахта ва ғалла экишга мўлжалланган 660 гектар ердан мақсадга хилоф тарзда фойдаланилгани, 420 гектар ер одамларга ноқонуний равишда ажратиб берилгани, 390 гектар ҳисоботдан яширилгани, 150 гектарда қонунга зид равишда полиз ва сабзавот экинлари экилгани, 60 гектар ер эса ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани шундан далолат беради.

Шу борада жуда кўп мисолларни олиб келиш қийин эмас. Поп туманининг «Сирдарё» ширкат хўжалиги тасарруфида бўлган 16 гектар ерни В.Тоштемиров деган шахс ўзбошимчалик билан эгаллаб, бир неча йилдан буён ноқонуний фойдаланиб келган, оқибатда хўжаликка катта моддий зарар етказилган.

Чуст туманининг собиқ ҳокими Т.Рўзибоев ер ажратишда мансаб ваколатларини суиистеъмол этгани ва катта миқдордаги транш пулларини талон-торож қилгани учун судланган. Шу туман ҳокимининг ўринбосари В.Ғозиев эса ўз номига «Ғозихон Эшон» фермер хўжалигини ташкил этиб, 10,5 гектар ер майдонини эгаллаб олган.

Учқўрғон тумани ҳокимининг собиқ биринчи ўринбосари А.Мамадалиев турмуш ўртоғи номига 20 гектар, туман ҳокимининг собиқ ўринбосари Х.Абдуғаниев эса ўз ўғли номига 20 гектар ерни расмийлаштирган.

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### И.Х.Нажмиддиновни Наманган вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- (15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Икромхон Хошимхонович Нажмиддинов Наманган вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 17 сентябр

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Т.О.Жабборовни Наманган вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- (15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Тўлқин Отахонович Жабборов ўз аризасига биноан Наманган вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 17 сентябр

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

***17 сентябр куни халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.***

***Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

Давлатимиз раҳбари вилоят аҳлининг мамлакатимиз ривожига салмоқли улуш қўшаётганини таъкидлади. Буни азалдан меҳнатсевар, тадбиркор ва ҳунармандлар юрти бўлиб келган Наманганнинг енгил ва озиқ-овқат саноати соҳаларида, фан ва маданият масканлари фаолиятида кўриш мумкин.

Вилоятнинг иқтисодий ривожида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар, хориж инвестициясини жалб қилиш ҳисобига ташкил этилган бир неча қўшма корхоналар муҳим аҳамият касб этмоқда. «Нестле», «Пап-Фен» сингари қўшма корхоналарни алоҳида таъкидлаш мумкин. Уларнинг маҳсулотлари мамлакатимизда ва қатор хорижий давлатларда аллақачон ўз харидорини топган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу билан бир қаторда, вилоятда ҳали-ҳамон эски тузумга хос иш юритиш ва бошқарув услубларидан батамом воз кечилгани йўқ. Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, давлат мулкига, айниқса, муқаддас неъмат саналмиш ерга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиш, уни талон-торож қилиш, энг ачинарлиси, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик, қонунбузарлик каби жиддий нуқсонлар учрамоқда. Юқори раҳбарлик лавозимларида ўтирган айрим шахсларнинг масъулиятсизлиги оқибатида маънавий муҳит ва адолат тамойилларининг бузилиши билан боғлиқ ачинарли ҳолатлар рўй берган.

Вилоятда юзага келган бундай вазият зарур чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Тўлқин Жабборов ўз аризасига биноан Наманган вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири бўлиб ишлаб келаётган Икромхон Нажмиддинов Наманган вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулла, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов, Наманган давлат университети ректори Турсунбой Файзуллаев, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдураҳим Ҳамидов, Чортоқ тумани ҳокими Муродилла Ҳасанов ва бошқалар Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни уюшқоқлик, ташаббускорлик ва масъулият билан адо этиш вилоят аҳлининг асосий бурчи эканини таъкидладилар.

(ЎзА)



Фарғона шаҳри яна бир янги замонавий кошона билан кўркамлашди.

Шаҳарнинг ал-Фарғоний кўчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Фарғона вилоят бошқармасининг янги биноси қуриб битказилди.

Мазкур иншоот моҳир қурувчи Раҳматжон Эркабоев бошчилигидаги кўчма механизациялашган колонна бунёдкорлари томонидан қисқа муддатда фойдаланишга топширилди. Миллий банк вилоят бошқарма биносини замонавий архитектура андозалари асосида барпо этишда Анвар Шокиров, Ботир Усмонов, Мурод Эркабоев, Баҳодир Эркабоев, Муҳиддин Умаров сингари таниқли меъмор ва қурувчиларнинг ҳиссаси салмоқли бўлди.



**Суратларда: банк мутахассиси Е.Раҳмонова; банк биносининг умумий кўриниши.**

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## Оролбўйидан мактублар

# ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ЯШАШ катта бахт

***Бундан 34 йил муқаддам Оролбўйи кенгликларида ташкил топган Қонликўл тумани бир томони Қўнғирот, иккинчи ёни Хўжайли ва Шуманай ҳудудларига туташиб кетган. Юзага келган табиат қийинчиликларини мардона енгиб, фидойилик кўрсатаётган меҳнат аҳли бугунги кунда халқ хўжалиги ҳамма тармоқларини ривожлантириш учун астойдил ҳаракат қиляпти.***

Иқтисодий ислоҳотлар йўлидан дадил бораётган қонликўлликлар қувончли ютуқларнинг гувоҳи бўлишаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида 300 миллион сўмликдан ортиқ саноат маҳсулотлари, 400 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Эришилган муваффақиятларда бир кеча-кундузда 100 тоннагача хомашёни қайта ишлайдиган «Қонликўлгуруч» ва «Қорабайлгуруч» ҳиссадорлик жамиятларининг муносиб улуши бор.

Бепоён кенгликларда кўркам иншоотлар, замонавий турар-жой бинолари қад кўтарди. «Ёнбошсувқурилиш» бирлашмасига қарашли «Қорақалпоқсувқурилишмонтаж» бошқармаси бунёдкорлари 1 миллиард 111 миллион сўмлик қурилиш-ускуналаш юмушларини амалга оширди. Саҳни 3 минг квадрат метрли 23 та катта-кичик уй-жойлар, 85,5 квадрат метрли савдо ва умумий овқатланиш, ўнлаб маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Телекоммуникация тармоғи ҳам ривожланиб бораяпти. Жаҳон банкининг инвестицион дастури бўйича Япониянинг IBIC лойиҳасига мувофиқ 4,8 километрли Нукус-Қўнғирот оралиғида шиша толали оптик кабеллар ётқизиш ниҳоясига етказилди. Хитой давлатидан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган электрон автомат телефон станцияси ишга туширилди. Янги тармоқнинг фойдаланишга топширилиши абонентлар сонини 1100 нуқтага кўпайтириш имкониятини яратди. Эндиликда олис овуллардан туриб дунёнинг ҳамма нуқталари билан сўзлашиш мумкин.

- Президентимизнинг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси ҳақида»ги Фармони асосида иккита ширкатлар тўлиқ фермер хўжаликлари уюшмасига айлантирилди, - дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Т.Ибрагимов.- Иқтисодий ва молиявий мустақилликка эришган мулкдорлар ердан мақсадли, оқилона фойдаланиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Янги усулнинг афзалликларини «Сари олтин» ва Қўламат Жиров номли фермерлар уюшмаси мисолида кўриш мумкин. Ёш мутахассис Мақсад Хўжамбергенов раислик қилаётган «Сари олтин» жамоаси 3142 гектар экин майдонига эга. У 134 фермерга бўлиб берилган. Жорий йилда 400 тонна дон етиштирилиб, шартнома режаси ошириб бажарилди.

200 гектарлик ғўза майдонларида пахта чамандек очилган. Муродбой Иноятов, Қодирберган Худоёров, Рамберган Тожетов, Мурод Умрбоев каби тажрибали деҳқонлар етакчилик қилаётган «Иноят ота», «Нуриддин ота»,«Шўртанкўл» фермер хўжаликларида йиғим-терим авжи қизғин паллага кирган. Айниқса, «Киндикўзак» ширкатида жойлашган Марямгелди Қиличназаров бошлиқ «Оқтелпак» деҳқон-фермер хўжалигида пахта етиштиришдан катта даромад олинаяпти. Кичик жамоа ўзининг ҳайдов, экин ва қатор ораларига ишлов бериш техникасига эга.

Йирик саноат мажмуаси «Қорабайлгуруч» йилнинг ўтган ойларида 1,5 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо озиқ-овқат маҳсулоти, 1000 тонна гуруч аралашмаси тайёрлаган бўлса, «Қорабайлтуз» корхонасида 500 тоннадан зиёд йодланган туз савдо тармоқларига етказиб берилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга эътибор катта. Кўп болали оналар ва кам таъминланган оилаларга 250 миллион сўмдан ортиқ нафақалар тарқатилди. Аҳоли 99,0 фоиз табиий газ, 76,9 фоиз сифатли ичимлик суви билан таъминланди.

Жамила Примбетова мудиралик қилаётган «Гулдаста» болалар боғчаси Оролбўйидаги намунали мактабгача таълим муассасаларидан бири. «Соғломжон - полвонжон» республика кўрик танловида совринли ўринни эгаллаган мазкур таълим масканида Дилбар Жиянбоева, Тамара Есемуротова, Қолжон Абдимуротова сингари тажрибали мураббиялар ишлашади.

Туман марказидаги «Минимаркет» дўконидан аҳоли эҳтиёжи учун зарур саноат, хўжалик, озиқ-овқат молларини, хилма-хил уй-рўзғор буюмларини топиш мумкин.

Дўкон бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб, тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаяпти. Айни чоғда бу ерда йиллик товар айланмаси 40 миллион сўмликдан ошиб кетди.

Хулоса шуки, азалдан меҳнаткаш қонликўлликлар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун астойдил меҳнат қилишаяпти.

**М.ТУРСУНОВ,**
**фермер,**
**«Дўстлик» ордени соҳиби**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ СПАРТАКИАДАСИ

## беллашув майдони эзгуликка хизмат қилади

### МУСОБАҚА ТААССУРОТЛАРИ



**Қўчқор КАРИМОВ, Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг Қашқадарё вилояти бўйича вакили:**

*- Спартакиаданинг ташкилий жиҳатдан жуда юқори савияда ўтганлигини таъкидлаб, ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Чунки барча шароитларга эга спорт мажмуида бир вақтнинг ўзида спортнинг бир нечта тури бўйича мусобақаларнинг ташкил этилиши иштирокчилар учун ҳам, мухлислар учун ҳам катта қулайлик туғдирди.*

*Яна бир масала. Бу тадбир барчамиз учун намуна бўлди. Биз бундан кейин жойларда бу каби тадбирларни ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш борасидаги тарғиботни яна ҳам кучайтирамиз. Умуман олганда, тармоқ бўйича ташкил этиб келинаётган мусобақаларда мана беш йилдирки, яхши натижаларга эришиб келаяпмиз. Спартакиаданинг теннис бўйича ташкил этилган мусобақаларида иштирок этиб шунга амин бўлдимки, касаба уюшмалари спортга чинакамига ошно бўлиб, ишчи-хизматчиларнинг спорт билан шуғулланишлари учун етарли шарт-шароитларни яратиб берганликлари алоҳида таҳсинга сазовордир.*

***Республика касаба уюшмалари Федерациясининг «Яккасарой» спорт мажмуасида ўтказилган ажойиб анжуман – касаба уюшмалари аппарат ходимларининг спартакиадаси барчанинг узоқ вақт ёдида қолади. Ташкилий қўмита ва бошқа мутасаддиларнинг саъй-ҳаракати, ўта муҳим тадбирга масъулият билан ёндошганлиги туфайли пухта тайёргарлик кўрилди. Майдонлардаги беллашувлар ғоятда қизиқарли, уюшқоқлик ва дўстона вазиятда ўтди. Спорт байрами одамларни бир-бирига янада яқинлаштирди, уларга кўтаринки руҳ ва саломатлик бахш этди.***

Эътиборлиси шуки, спорт мажмуаси ўриндиқларини тўлдириб ўтирган кўп сонли томошабинлар ҳам унутилмас онларнинг гувоҳи бўлдилар. Иштирокчилардаги иштиёқ, ғалабага бўлган интилиш ва маҳорат барчани тўлқинлантирди, жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишини ўн чандон оширди. Спорт ёш танламайди. Уч кун мобайнида қизғин баҳсларга бой бўлган спартакиадада вилоятлар бўйича ўтказилган ҳудудий мусобақалар ғолиблари, тармоқ касаба уюшма Марказий қўмиталари, Федерация Кенгаши аппарати ходимларининг иштирок этганлиги мамлакатимизда спортнинг оммавийлигини таъминлашда қуйи ташкилотлар учун катта намунадир. Барча гувоҳ бўлганидек, бутун куч ва маҳоратини ишга солиб беллашаётганлар орасида Марказий қўмиталар, вилоят Кенгашлари раҳбарлари ҳамда касаба уюшмалари мутахассислари бор эди. Кўпчилик таъкидлаганидек, бу ишловчи аёллар, ёшларни спортга оммавий тарзда жалб этиш, шу орқали уларни соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишнинг жуда катта омилидир. Зеро, етакчининг ўзи спортни севса, бошқаларни ҳам ўз ортидан эргаштира олади.

### РАҲБАР СПОРТНИ СЕВСА...

Зўр уюшқоқлик, ҳис-ҳаяжонга тўла бу байрам Ватанимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлаб ўтказилганлиги ва эзгуликка хизмат қилганлиги билан янада қадрлидир. У нафақат спорт майдонларида куч синашиш, балки вилоятлар ҳамда тармоқ касаба уюшма Марказий қўмиталари аппарат ходимлари билан яқиндан танишиш, тажриба алмашиш, ўзаро алоқани мустаҳкамлашда бош омил бўлди.

Ишончимиз комил, бундай тадбирлар кўлами йил сайин кенгайиб боради. Зеро, республикамиз ҳукумати ва шахсан Президентимиз жисмоний тарбия ва спорти ривожлантиришга беқиёс аҳамият бериб келмоқда. Мустақил Ўзбекистонимизда бунёд этилаётган ажойиб спорт мажмуалари, ўтказилаётган нуфузли мусобақалар фикримиз далилидир. Спартакиададан руҳланган ҳолда келгусида бундай анжуманларни янада кенг қамровли қилиб ўтказиш режалари туғилди. Жумладан, аёллар ўртасида волейбол, шоҳмот, шашка турлари бўйича мусобақалар ўтказиш одат тусига киради.

Бу спорт байрами барчага бирдек наф келтирди. Яъни, унинг қатнашчилари ҳам, томошабинлар ҳам унутилмас, ҳаяжонли онларнинг иштирокчисига айландилар. Ҳа, спорт бу чинданам гўзаллик, нафосат ва маҳорат кўригидир.

### МУСОБАҚА ТААССУРОТЛАРИ



**Бахтиёр МАҲМАДАЛИЕВ, Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси, мини футбол бўйича «Шифокор» жамоаси дарвозабони:**

*- Спартакиада касаба уюшмалари ҳаётида жуда ажойиб воқеа бўлди. Касаба уюшмалари аппарат ходимларини спортга жалб қилиш, бошланғич ташкилотлар, корхона, ташкилот ва муассасаларда жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, бу орқали жамоаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун кенг имкониятлар доирасини янада кенгайтирди. Айниқса, ишчи-хизматчилар саломатлигини муҳофаза этишда бундай тадбирларнинг аҳамияти катта. Ҳаракатдаги инсондан жисмоний ва руҳий иллатлар чекинади. Онг тозаради, руҳ покланади. Анъанавий бўлиб қолаётган бундай мусобақаларнинг яна бир аҳамияти шуки, босқичма-босқич ғолибларни саралаб берадиган мусобақалар йил давомида спорт билан шуғулланиш имконини яратади.*



**Дилафрўз ЧОРИЕВА, Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари Кенгаши котибаси:**

*- Енгил атлетика баҳсларининг 25-35 ёшгача бўлган иштирокчилари ўртасидаги беллашувларда қатнашиб, умумий ҳисобда иккинчи ўринни эгалладим. Бундан жуда хурсандман. Ташкилотчиларга катта раҳмат. Чунки мусобақа бекаму кўст, камчиликлардан ҳоли тарзда ўтди. Ҳакамлар беллашувларни одилона бошқариб боришди.*

*Шуни ҳам айтишни истардимки, республика спартакиадаси мобайнида жуда кўплаб дўстлар орттирдик. Улар билан нафақат спорт соҳасида, балки ўз фаолиятимиз доирасида ҳам фикр алмашиб, тажрибалар билан ўртоқлашдик. Ўйлайманки, бу келгуси ишларимизда албатта жуда қўл келади.*



**Александр ПРОТАПОПОВ, Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси жамоаси вакили:**

*- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган ушбу спартакиаданинг теннис бўйича мусобақаларида қатнашдим. Биласизми, ўйинлар ўйлаганимиздан ҳам кўпроқ қизиқарли ва ҳаяжонли ўтди. Дастлабки икки турда менга омад кулиб боқди. Учинчи турда эса пешқадамлик рақибимга насиб этди. Аммо шуни таъкидлашни истардимки, муҳими ғалаба эмас, балки бу каби оммавий спорт тадбирида иштирок этишдир. Чунки республика спартакиадасида майдонга тушишнинг ўзи катта фахрдир.*

## МИНИ ФУТБОЛ

***Мусобақанинг учинчи куни мини футбол баҳсларининг гурух ғолиблари аниқланиб, ярим финал ўйинларига старт берилди.***

«А» гуруҳи ғолиб жамоасини аниқлаш осон бўлмади. Чунки ғолибликка асосий даъвогар жамоалар - «Устоз» ва «Автомобилчи» ўзаро ўйинда дуранг (2:2) натижа кўрсатиб, кучлари тенг эканлигини кўрсатишган, бу улар тўплаган очколарда ҳам акс этган эди: 7 очко. Шунинг учун иккала жамоа футболчиларидан охирги баҳсда рақиблари дарвозасини имкон қадар кўпроқ ишғол этиш талаб қилинарди. Бу вазифани Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси жамоаси ортиғи билан уддалади. Жиззах вилояти касаба уюшмалари Кенгаши аппарат ходимларидан ташкил топган жамоа 9:0 ҳисобида мағлуб этилди.

«В» гуруҳи ҳам худди биринчи гуруҳдаги каби кўриниш касб этди. Автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг «Автомобилчи» ҳамда Авиа ва Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмиталарининг «Авиа-Алоқа» жамоалари якунда бир хил - 10 очкодан тўплашга муваффақ бўлишди. Фақат тўплар нисбатидаги устунликкина «Автомобилчи»га ярим финал йўлланмасини туҳфа қилди. «С» ва «D» гуруҳларида эса республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси ҳамда Хоразм вилояти футболчилари пешқадамликни қўлга киритдилар.



Ярим финалнинг КУФК - «Автомобилчи» учрашувида футболчилар чиндан ҳам ажойиб ўйин намойиш этишди. Пухта ўйланган комбинациялар, ажойиб хатти-ҳаракатлар футбол мухлисларининг олқишига сазовор бўлди. Ўйиннинг асосий вақтида дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолинди. «Лотериялар баҳси» - пенальтилар тепиш борасида эса омад КУФК жамоасига кулиб боқди. Иккинчи ўйинда хоразмлик футболчилар «Устоз» жамоаси дарвозасига жавобсиз 2 та тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Демак, финалда «Хоразм» ва КУФК жамоалари.

Спартакиаданинг мини футбол баҳслари ғолибини аниқлаб берувчи баҳс ҳам кескинлиги, муросасизлиги билан ажралиб турди. Ғалабага бўлган интилиш, қолаверса, маҳорат ва уюшқоқлик Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши футболчиларининг зафар қучишини таъминлади: 2:1. Учинчи ўрин эса «Устоз» жамоасини кичик ҳисобда енгган «Автомобилчи»га насиб қилди.

**«А» гуруҳи**

| Жамоалар | Ўйинлар | | | | | Т/Н | О | Ўрни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.«Машинасоз» | *** | 8:1 | 8:4 | 2:2 | 3:0 | 21-7 | 10 | II |
| 2.«Жиззах» | 1:8 | *** | 0:7 | 0:9 | 3:0 | 4-24 | 3 | IV |
| 3.«Ҳосилот» | 4:8 | 7:0 | *** | 0:4 | 3:0 | 14-12 | 6 | III |
| 4.«Устоз» | 2:2 | 9:0 | 4:0 | *** | 3:0 | 18-2 | 10 | I |
| 5.«Маданият» | 0:3 | 0:3 | 0:3 | 0:3 | *** | 0-12 | 0 | V |

**«В» гуруҳи**

| Жамоалар | Ўйинлар | | | | | Т/Н | О | Ўрни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.«Нурчи» | *** | 1:6 | 0:9 | 1:3 | 1:11 | 3-29 | 0 | V |
| 2.«Навоий» | 6:1 | *** | 0:7 | 0:3 | 1:6 | 7-17 | 3 | IV |
| 3.«Авиа-Алоқачи» | 9:0 | 7:0 | *** | 1:0 | 1:1 | 18-1 | 10 | II |
| 4.«Тадбиркор» | 3:1 | 3:0 | 0:1 | *** | 2:6 | 8-8 | 6 | III |
| 5.«Автомобилчи» | 11:1 | 6:1 | 1:1 | 6:2 | *** | 24-5 | 10 | I |

**«С» гуруҳи**

| Жамоалар | Ўйинлар | | | | Т/Н | О | Ўрни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.КУФК | *** | 3:0 | 6:0 | 2:1 | 11-1 | 9 | I |
| 2.«Наманган» | 0:3 | *** | 6:0 | 6:2 | 12-5 | 6 | II |
| 3.«Зафар» | 0:6 | 0:6 | *** | 5:4 | 5-16 | 3 | III |
| 4.«Шифокор» | 1:2 | 2:6 | 4:5 | *** | 7-13 | 0 | IV |

**«D» гуруҳи**

| Жамоалар | Ўйинлар | | | | Т/Н | О | Ўрни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.«Бинокор» | *** | 0:4 | 4:0 | 0:1 | 4-5 | 3 | III |
| 2.«Хоразм» | 4:0 | *** | 6:0 | 4:2 | 14-2 | 9 | I |
| 3.«Семурғ» | 0:4 | 0:6 | *** | 0:6 | 0:16 | 0 | IV |
| 4.«Локомотив» | 1:0 | 2:4 | 6:0 | *** | 9-4 | 6 | II |



**Баҳодир ҚОДИРОВ, мини футбол бўйича 3-ўрин соҳиби «Автомобилчи» жамоаси аъзоси:**

*- Мини футбол мусобақаларида биз 20 та жамоа ичида учинчи ўринни эгалладик. Бундан ғоят мамнунмиз. Қолаверса, анъанавий спорт тадбири барчамизда унутилмас таассурот қолдирди.*

*Спартакиадада қатнашиш менга яна ҳам кўпроқ шижоат, куч-қувват бахш этди, десам муболаға бўлмайди. Чунки спорт кишини ҳам жисмонан, ҳам руҳан тетиклаштириш билан бирга меҳнатда унум, фаолият давомида самарадорликни таъминлайди. Биз бундан ўрнак олган ҳолда корхонамизда, бошланғич ташкилотларда бу каби спорт тадбирларини ташкил этиш учун барча имкониятларни ишга соламиз.*



**Жўрабек ҲАМЗАЕВ, 25-35 ёшлилар ўртасидаги енгил атлетика баҳслари ғолиби:**

*- Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши ижтимоий суғурта бўлими бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлайман. Спортни жон-дилимдан севаман. Жумладан, енгил атлетика билан мунтазам равишда шуғулланиб келаман. Спартакиадада бу менга жуда асқотди. 100 метр масофага югуриш бўйича энг яхши натижа кўрсатдим: 14,05 сония. Граната улоқтириш мусобақаларида мусобақадошим билан бир хил натижага эришиб, 1-2 ўринларни бўлишиб олдик. Умумий ҳисобда эса биринчи ўринни қўлга киритдим.*

*Таассуротлар бир олам. Негаки, спартакиада беллашувлари жуда ажойиб тарзда ўтди. Бундан кейинги мусобақаларда ҳам муваффақиятли қатнашишга ҳаракат қиламан.*







## ТЕННИС

***Кеча эрталабдан «Яккасарой» ўйингоҳи теннис корти мухлислар билан гавжум бўлди. Бу ерда спартакиаданинг теннис баҳслари финал учрашувлари бўлиб ўтди.***

Эркаклар ўртасидаги баҳсда энг кучли саналган Бухоро вилояти Қоракўл туманидан ташриф буюрган Нурмуҳаммад Юсупов рақиби қўқонлик Собирхўжа Саидхўжаевга қарши кортга чиқди. Қизиқарли кечган ўйинда тажрибали спортчи Н.Юсупов 6:3, 6:2 ҳисобида зафар қучди.



Аёллар ўртасида ярим финалга етиб келган Д.Бигеева ҳамда Н.Жабборова баҳсида Бигееванинг қўли баланд келди. Яна бир ярим финалда Ж.Юсупова ва И.Ҳамроева куч синашди. Бу баҳсда бухоролик Жамила Юсупова ғалаба қозонди. Шундай қилиб, финалда Юсупова ва Бигеева ўзаро кураш олиб боришди. Унда Жамила Юсупова ғалаба қозонди. Бироқ ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра ғолиблик Бигеевага насиб қилди. Жамила Юсупова эса турнирнинг энг ёш иштирокчисига аталган махсус мукофот билан тақдирланди.







**Саҳифани тайёрловчилар: Камол ОЛЛОЁРОВ, Абдулҳай ЮНУСОВ, Икром ҲАСАНОВ (суратлар), «Ишонч махсус мухбирлари**

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Марказий қўмита аъзоси, касаба уюшма Марказий қўмитасининг Наманган вилоятидаги вакили, Наманган электр тармоқлари корхонаси касаба уюшма қўмитасининг раиси Бекмурод Тожибоевга волидаи муҳтарамаси **ДОНОХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

**ISHONCH**

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 00.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 817 1 2 3 4 5